



# Ishonch

2016-yil  
21-iyul,  
payshanba

№ 86  
(3747)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида

## Долзарб масалалар муҳокамаси

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг мажлиси ва Раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Федерация Кенгаши мажлисида 2016 йилнинг I ярим йиллиги давомида амалга оширилган ишлар атрофлича муҳокама этилди. Кун тартибидagi масала юзасидан Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева маъруза қилди.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида касба уюшмалари меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, фуқароларнинг ижтимоий-меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлаш жараёнларида фаол иштирок этдилар.

Жумладан, ижтимоий-меҳнат соҳасига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тақомиллаштириш юзасидан 70 дан зиёд тақлифлар берилди. Меҳнат муҳофазасига доир 17 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ўрганиб чиқилиб, уларнинг 11 таси белгиланган тартибда келишилди, 19 та идоравий норматив ҳужжат жамоатчилик экспертизасидан ўтказилди.

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг янги тахрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама этиш жараёнида касба уюшмалари мутахассислари фаол қатнашди. Қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан тасдиқланди.

Тизимда жисмоний ва юридик шахслар муурожаатлари билан ишлашнинг ягона ва марказлашган тартибини жорий этиш, муурожаатларнинг ўз вақтида ва сифатли қўриб чиқишини таъминлаш мақсадида murojaat.kasaba.uz манзилида махсус марказлашган онлайн тизим яратилди. Утган вақтда касба уюшма ташкилотлари томонидан меҳнатқашларнинг 1 минг 492 та ёзма, 1 минг 143 та оғзаки, 801 та «Ишонч телефонлари» ва 180 та интернет орқали жами 3 минг 616 та муурожаат қўриб чиқилди. Уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилиб, масала моҳиятига монанд равишда муурожаат муаллифларига тушунтиришлар берилди. Хусусан, муурожаатлардан 601 таси қаноатлантирилди, 2 минг 310 таси

бўйича муаллифлар тушунтириш олдидилар. Иш берувчиларга киритилган 151 та тақдимномадан 100 га яқини қаноатлантирилди.

Иш берувчилар томонидан меҳнатга оид қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида 20 та вазирлик ва идораларнинг маляка ошириш муассасалари ўқув дастурларига меҳнат муносабатлари бўйича мавзулар киритилди.

Шунингдек, Меҳнат кодексининг кучга кирганлигига 20 йил тўлиши муносабати билан жорий йилнинг май ойида вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар иштирокида «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси: ютуқлар ва тақомиллаштириш истиқболлари» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

Хисобот даврида ижтимоий шерикликнинг шакл ва услубларини тақомиллаштириш асосида ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш самарадорлигини ошириш, меҳнатқашлар учун муносиб меҳнат шартларини яратиш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди.

Жорий йилнинг 18 февралда 2014 — 2016 йиллар учун Бош келишувнинг 2015 йилги ижроси учмонлама комиссияси томонидан муҳокама этилди ҳамда 2016 йилги вазифалар белгилаб олинди.

Жамоа шартномалари орқали ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлаш ва меҳнати муҳофазасини ташкил этишга оид имтиёз ва кафолатлар бажарилиши юзасидан амалга оширилган ишлар натижасида, жамоа шартномалари орқали олий ўқув юртларида тахсил олаётган 1 минг 604 нафар талаба шартнома пулларининг бир қисми қопланди. 773 та корхонада 7 минг 451 нафар

ёш ходимни бошқа касбга ўргатиш ҳамда малакасини ошириш ишлари амалга оширилди. 741 та корхона ва ташкилотда эса олий ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларини шогирдликка олиб, уларга ўз касбининг сир-асрорларини ўргатаётган 1 минг 833 нафар устоз-ҳодим рағбатлантирилди. Шунингдек, 1 минг 324 нафар ходимга сафарбарлик захирасидаги ҳарбий хизматга қақирлиши муносабати билан фойсиз ссудалар берилишига эришилди. Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини тугатиб, 483 та корхонада биринчи йил меҳнат қилаётган 780 нафар ёш мутахассисга қўшимча ҳақ тўлаш ишлари амалга оширилди.

Бундан ташқари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича сайланган вакилларнинг малакасини ошириш бўйича Намунавий ўқув дастури ишлаб чиқилиб, жойларда 10 минг 885 нафар меҳнат муҳофазаси вакиллари ўқитилди.

Федерация Кенгаши, «Саноатгео-контехназорат» давлат инспекцияси, «Ўзбекнефтгаз» МХК, Ички ишлар вазирлигининг ёнгин хавфсизлиги бошқармалари, Фавқуллода вазиятлар бошқармалари ва бошқа манфаатдор идоралар мутахассислари ҳамкорлигида «Ўзбекнефтгаз» МХК тизимидаги технологик резервуар парклар, нефть қазиб олиш, нефтни қайта ишлаш корхоналари, компрессор станциялари, ташкилот ва акциядорлик компанияларида хавфсизликни таъминлаш бўйича мониторинг ўтказилди.

Хўжалик субъектларида меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига эътиборни кучайтириш, ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш, меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоат назоратини амалга оширишда касба уюшмаларининг фаолият самарадорлигига қаратилган Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови ўтказилди. Гойлибар «Энг яхши корхона», «Энг яхши касба уюшмаси қўмитаси», «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил» номинациялари бўйича Федерация Кенгаши томонидан муносиб тақдирланди.

Мажлисида, шунингдек, янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини амалга оширишга, аҳолини, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришга кўмаклашиш ҳамда бу борада жамоатчилик назоратини ташкил қилиш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма қарори билан тасдиқланган янги иш ўринларини яратиш дастури ҳамда жойлардаги ҳудудий дастурларда белгиланган иш ўринларининг ўз вақтида яратилиши бўйича жамоатчилик мониторингини йўлга қўйилди. Хисобот даврида касба уюшмалари фаоллари томонидан 11 минг 566 та корхона ва ташкилотда ташкил этилиши белгиланган 73 минг 469 та янги иш ўрни ҳақиқатда яратилганлиги ўрганиб чиқилди.

Қвоталаштирилган иш ўринларига 24 минг 123 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан касба уюшмалари томонидан ҳар бир туман ва шаҳарда хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчаларини ташкил этиш орқали коллеж битирувчилари учун 25 тадан янги иш ўринларини яратиш бўйича манзилли дастур асосида жойларда 2 минг 689 та янги иш ўрни яратилди.

Касб-хунар коллежлари битирувчилари орасида меҳнат қонунчилиги бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадида барча ҳудудларда «Касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашда давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан ўзaro ҳамкорлик асосида амалга оширилган вазифалар» мавзусида ўқув-семинарлар ташкил этилди. «Бўш иш ўринлари ярмаркаларини» ўтказиш режа-жадвали асосида республика бўйича ўтказилган 419 та меҳнат ярмаркасида касба уюшмалари фаол иштирок этиб, 16 минг 789 нафар фуқарога ишга жойлашиш учун йўлланмалари берилгани ҳам диққатга сазовордир.

▲(2).

Кун тартибида хотин-қизлар масаласи

Мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтидор, билим ва салоҳиятларини намоён этишлари учун етарли шарт-шароитларни яратиш борасида кенг қамровли саяё-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Мазкур йўналишларда олиб борилаётган тизимли ишларда касба уюшмалари ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, жамоа шартномалари ва келишувлари орқали хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш учун Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Хотин-қизлар кенгаши, тармоқ ва ҳудудий ташкилотлар тизимида эса Хотин-қизлар комиссиялари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, бу эзгу мақсадлар муштараклигини таъминлаётир.

## Аёлга эътибор — жамиятга эътибор

Хўш, Хотин-қизлар кенгаши касба уюшма аъзоси бўлган хотин-қизларга қай даражада кўмак бераёпти? Аёллар дуч келадиган қатор масалаларни ҳал этишда унинг ўрни ва иштироки қандай бўлмоқда? Федерация Кенгашининг Ўқув марказида бўлиб ўтган Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Хотин-қизлар кенгашининг навбатдаги йиғилишида бу борада амалга оширилаётган ишлар атрофлича таҳлил этилди. Унда Хотин-қизлар кенгаши раиси Мавжуда Халилова мамлакат касба уюшмалари хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларга меҳнатни бола тарбияси билан уйғун ҳолда олиб боришлари учун етарли шароитлар яратиш йўналишларида тизимли ишлар амалга ошираётганлигини, хусусан, Соғлом она ва бола йилида ушбу масалаларга эътибор қучайтирилганини айтиб ўтди.

Йиғилишда таъкидланганидек, корхона ва ташкилотларда имозоландиган жамоа шартномаларига киритиш учун ишловчи хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга оид тавсиялар ишлаб чиқилиб, ҳудудий ва Республика кенгашларининг Хотин-қизлар комиссияларига ўтказилди. Барча ҳудудий бирлашмалар ва Республика кенгашларининг Хотин-қизлар комиссиялари раислари Жамоа шартномалари ва келишувларини экспертизадан ўтказиш бўйича эксперт комиссиялари таркибига киритилди. Улар томонидан ҳудудий ва тармоқ келишувлари, шунингдек, жамоа шартномаларининг лойиҳалари кунт билан ўрганилиб, уларга хотин-қизларнинг манфаатларига доир тақлифлар берилди. Жорий йилнинг 6 ойи давомида Хотин-қизлар кенгаши, ҳудудий бирлашмалар ва Республика кенгашларининг Хотин-қизлар комиссиялари томонидан 1 813 та жамоа шартномалари ва келишувлари экспертизадан ўтказилди. Феврал-март ойларида корхона, ташкилот ва муассасаларда ўтказилган жамоа шартномалари бажарилиши якунига бағишланган 765 та йиғилишларда иштирок этилди. Ҳудудий Хотин-қизлар комиссиялари томонидан жами 203 та, нодавлат секторидagi корхона ва ташкилотларда ишлаган, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шугулланаётган хотин-қизлар учун иш жойларида санитария-гигиена ҳолатларининг таъминланганлиги аҳоли ўрганилди. Иш берувчи ва касба уюшма қўмиталарига 109 та тақлифлар берилиб, ижроси назоратга олинди.

▲(3).

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

## Энг муносиблар сараланди



Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатини ҳаётга татбиқ этишда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. «Ёш ишчи кадрларни тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга кўмаклашиш» лойиҳаси доирасида жорий йилдан бошлаб илк мартаба ҳамкор ташкилотлар иштирокида ўтказилаётган «Энг яхши ишчи касб эгаси» танлови шулар жумласидандир.



рур шарт-шароитларни яратиш, энг яхши ишланмаларнинг амалиётга татбиқ этилишида кўмаклашишидир. Мазкур танловда корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ишчи мутахассислар ва касб-хунар коллежлари битирувчилари қатнашмоқда.

Таъкидлаш зарурки, шу кунгача танловнинг туман (шаҳар) ва ҳудудий босқичла-

рида юқори малакали устозлар томонидан тавсия этилган 2,5 минг нафарга яқин ёшлар пайвандлаш, қишлоқ хўжалиги машина ва жиҳозларига хизмат кўрсатиш, улардан фойдаланиш ва таъмирлаш, қурилиш-пардозлаш ишлари, умумий қурилиш устаси, тикувчилик, тикув буюмлари ишлаб чиқариш, сартарошлик, косметология, ошпазлик каби кўплаб соҳаларда ўзлари

эришган ютуқ ва маҳоратларини намоён этидилар. Шунингдек, танлов жараёнида ёшлар ўзаро тажриба алмашиш, янги гоёлар билан ўртоқлашиш имконига эга бўлдилар.

Танлов умумдавлат таснифлагичидан танлаб олинган касблар бўйича уч босқичда — туманлар, ҳудудлар, яъни, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент

шаҳри ҳамда республика миқёсида ўтказилди. Ҳудудий босқичларда жами 461 нафар ёшлар, жумладан, 98 нафар қишлоқ хўжалиги машина ва жиҳозларига хизмат кўрсатиш механиги, 36 нафар пайвандлаш ишлари (механик) техниги, 72 нафар қурилиш-пардозлаш ишлари устаси, 56 нафар умумқурилиш ишлари устаси, 89 нафар тикув ва тикув-буюмлари ишлаб чиқариш техник-технолог, 56 нафар ошпаз, 54 нафар сартарошлик ва декоратив косметика устаси иштирок этди. Танловнинг ҳудудий босқичлари якунларига кўра голиб деб топилган 86 нафар ёшлар Республика босқичига йўлланма олдидилар.

Айни кунларда 3 босқичда ва 7 та номинацияда ташкил этилган танловнинг республика босқичи бўлиб ўтмоқда. Танловда иштирокчиларнинг билим ва маҳоратлари назарий (тест саволлари) ва амалий (касбий-амалий топшириқлар) синовдан ўтказилмоқда. Ёшлар 7 та — «Қишлоқ хўжалиги машина ва жиҳозларига хизмат кўрсатиш механиги», «Пайвандлаш ишлари (механик) техниги», «Қурилиш-пардозлаш ишлари устаси», «Умумқурилиш ишлари устаси», «Тикув ва тикув-буюмлари ишлаб чиқариш техник-технолог», «Ошпаз», «Сартарошлик ва декоратив косметика устаси» номинациялари бўйича маҳоратларини намоён этишмоқдалар.

Кеча танловнинг «Қурилиш пардозлаш ишлари устаси» ва «Умумқурилиш ишлари устаси» номинациялари бўйича Республика босқичи беллашувлари бўлиб ўтди.

Таъкидлаш лозимки, «Қурилиш-пардозлаш ишлари устаси» номинациясининг 1-босқич — туман (шаҳар) миқёсидаги беллашувларида жами 274 нафар ёш қурувчилар қатнашиб, улардан 72 нафари биринчиликини қўлга киритди ҳамда ҳудудий босқичга йўлланма олди. 2-босқич — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида ўтказилиб, унда 72 нафар иштирокчидан 14 нафари голиб деб топилди ва танловнинг Республика финал босқичига йўлланма олди.

▲(3).

# БУГУННИНГ НАФАСИ



# Долзарб масалалар муҳокамаси

№(1).

Жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлаш, меҳнат шaroитларини янада яхшилаш, ҳуқуқий савдоҳонлигини ошириш бўйича аниқ мақсадли ишлар амалга оширилди.

Ҳисобот даврида миллий ва халқаро меҳнат стандартлари, меҳнат муносабатларини расмийлаштириш, меҳнатни муҳофаза қилиш мавзуларида 41,5 минг нафардан зиёд фермер хўжаликлари раҳбарлари учун ўтказилган ўқув-семинарлар шулар жумласидандир: Қолаверса, иш берувчилар, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларига оид масалалар юзасидан тушунтиришлар берилди. Шунингдек, касба уюшмалари тизимидаги «Ишонч телефонлари» ҳамда ҳудудий бирлашмаларда ташкил этилган «Жамоатчилик қабулхоналари»га мурожаат этган 330 та янги тадбиркорлик субъектига бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Жорий йилда экспертизадан ўтказилган Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Фарғона, Хоразм вилоятлари ҳудудий келишувларига кичик бизнес субъектлари учун қонуналар билан белгиланган имтиёз ва преференцияларнинг муқарраб равишда берилишини таъминлашга оид мажбуриятлар кiritилиши аъзолар манфаатдорлигини кенгайтирди. Тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган имтиёзлар, миллий ва халқаро меҳнат стандартларини жорий этиш, касба уюшмаларига аъзолик афзалликлари масалалари юзасидан тарғибот ишларини ташкил этиш мақсадида 150 та туман (шаҳар)да ҳудудий адлия бошқармалари, Савдо-саноат палатаси бўлимлари мутахассислари иштирокида 8,2 минг нафардан ортиқ кичик бизнес субъектлари раҳбарлари билан ўтказилган учрашувлар бу борада ижобий самара берди.

Корхона ва ташкилотларда касба уюшмаларига аъзолик афзалликлари бўйича олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида ҳисобот даврида 16 минг 462 та хўжалик субъектида меҳнат қилаётган 104,4 минг нафардан зиёд ходимлар, жумладан, 15 та хоржий ва 198 та оилавий корхона ходимлари, 217 нафар хунарманд, 1 минг 441 нафар яққа тартибдаги тадбиркорлар касба уюшмалари аъзолигига жалб этилди. Мазкур хўжалик субъектларида жамоа шартномалари тузилиб, уларга ходимлар манфаатлари учун хизмат қилувчи қатор ижтимоий имтиёзлар киритилди.

Федерация Кенгашининг ишчи гуруҳлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларидаги туман ва шаҳар кенгашилари ҳамда бошланғич ташкилотлар фаолиятини ўрганиш жараёнида ушбу йўналишдаги ишларга алоҳида эътибор қaratилди ва уларга амалий ёрдам кўрсатилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳисобот даврида аҳоли даромадлари ва турмуш даражасининг оширилишига кўмаклашиш борасидаги ишлар янада кучайтирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 июндаги «Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг янги-ланган классификаторини тасдиқлаш тўғрисида»ги 164-сон қарори ижроси юзасидан тармоқ касба уюшмалари томонидан вазирлик, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда тармоқ тариф-малака маълумотномаларини ишлаб чиқиш ишлари олиб берилди.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда касба уюшмалари ҳам фаол иштирок этиб, ўтган давр давомида бу борада тизимли ишлар амалга оширилди. Жумладан, жамоа келишувлари ва жамоа шартномалари орқали кор-

хона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 2 минг 194 та ёш оилага узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш ҳамда уй-жой қуриш учун фозисиз ссудалар ажратилди. Ёш оилалардан 29 минг 162 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди. Бокучисини йўқотган, ижтимоий ҳимоятлаб оилаларнинг 8 минг 546 нафар фарзанди учун ўқув анжомлари харид қилиниб, икки ёшдан уч ёшгача фарзандлари бўлган 8 минг 576 нафар аёлга моддий ёрдам кўрсатилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида меҳнат қилаётган 3 минг 898 нафар болали аёлларнинг ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтаси 1 соатга қисқартирилди.

Шунингдек, Республикаимизнинг чекка қишлоқларида яшовчи 328 нафар аёлнинг Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива каби тарихий шаҳарларга саёҳатлари ташкил этилди. Кўп болали оилалардан бўлган 225 нафар аёл касба уюшмалари тизимидаги санаторийларда бепул соғломлаштирилди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, тасарруфдаги барча санаторийларнинг мавжуд «Она ва бола» бўлимларида оилавий дам олиш учун барча зарур шaroитлар яратилмоқда. Болалар учун ўйин майдончалари, бўлимларда алоҳида ўйин хонаси ажратилиб, тегишли тартибда жиҳозланмоқда.

Таъкидлаш зарурки, касба уюшмалари «Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда ёшларга оид Давлат сиёсатини амалга оширишга қaratилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури» бажарилишида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Хусусан, жойларда касба уюшмалари томонидан Меҳнат ва Адлия бошқармалари билан ҳамкорликда 2 мингдан ортиқ корхона ва ташкилотларда давра сўхбатлари ўтказилиб, уларда 129,2 минг нафардан зиёд, шу жумладан, 76,2 минг нафардан ортиқ ёш ходимлар иштирок этди. Ёшларга интернет орқали ҳуқуқий маслаҳат кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш мақсадида Федерация Кенгаши юридик клиникасининг www.uk.uz веб-сайтида очилган алоҳида веб-саҳифа (savol.uk.uz) орқали ёшлардан ҳуқуқий саволлар қабул қилишнинг онлайн тизими йўлга қўйилди. Бугунги кунга қадар savol.uk.uz веб-саҳифаси орқали ёшлардан келиб тушган 124 та мурожаатнинг барчаси ўрганиб чиқилиб, уларга тегишлича жавоб қайтарилди.

Федерация Кенгаши томонидан бир қатор ҳамкор ташкилотлар иштирокида 14 та номинация бўйича «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловини ўтказиш юзасидан ташкилий ишлар амалга оширилмоқда. 15 майдан 15 июнга қадар бевосита корхона, ташкилот ва муассасаларда мазкур танловнинг биринчи босқичи ўтказилган бўлса, 30 июнга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида танловнинг ҳудудий босқичлари ташкил этилиб, голиблар муносиб тақдирланди.

Йўналишда мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини ходимлар, айниқса, ёшларга атофлича тушунтириш ва тарғиб этиш мақсадида корхона ва ташкилотларда ҳар ойда ўтказилаётган «Маънавият соатлари»га 4,5 млн. нафардан ортиқ ходимлар жалб этилаётгани ҳам қайд этилди.

Касба уюшмалари Федерацияси томонидан ташкил этилаётган ижтимоий акциялар аҳамиятига тўхталинди. Хусусан, «Касба уюшмалари — ҳарбийларга» акцияси доирасида ҳарбий қисмларда «Таянчим ва суянчим, фахри фитхоримсан, муқаддас Ватан!» шиори остида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилгани, улар доирасида хизмат вазифини бажариш чоғида вафот этган ҳарбий хизматчилар оиласини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ишлари амалга оширилгани аҳамиятлидир.

«Касба уюшмалари — хотин-қизларга»

акцияси доирасида «Аёли қадрланган диёр», «Аёл борки олам мунаввар», «Аёл оила кўргони ва чароғбони» каби мавзуларда маданий-маърифий тадбирлар, спортнинг турли йўналишлари бўйича мусобақалар ташкил этилди. Ишлаб чиқариш, таълим, соғлиқни сақлаш тизимида самарали фаолият юритаётган, фермерлик, тадбиркорлик, касаначилик меҳнати билан юртимиз равнақига ҳисса қўшаётган илғор ва фаол хотин-қизлар, фахрий аёллар касба уюшмалари томонидан рағбатлантирилди. Ижтимоий ҳимоятлаб, бокучисини йўқотган, жисмоний имконияти чекланган, «Саховат» уйларида яшаётган аёллар, меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиниб, моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Наврўз байрами муносабати билан ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари кунлари «Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллигига 25 та туپ кўчат — менинг туҳфам» шиори остида касба уюшмалари ташаббуси билан турли мева ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Республика бўйича қарийб 29 минг нафар ёлғиз кексалар, фахрийлар ва эҳтиёжманд оилалар турли кўринишдаги ижтимоий кўмак, хусусан, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, кийим-кечаклар билан таъминланди. «Саховат», «Мурувват» ва «Меҳрибонлик» уйларида турли маданий-маърифий тадбирлар уюштирилиб, уларга ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди.

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан меҳнат жамоаларида «Тинчлик ва аҳиллик мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги асосидир», «Қадрият, эътибор ва эъзоз», «Хотира муқаддас, инсон қадр азиз», «Авлодлар учрашуви», «Фахрийлар — фахримиз» каби мавзуларда давра сўхбатлари ва учрашувлар ўтказилди.

«Касба уюшмалари — фахрийларга» акцияси доирасида эса 2 минг 182 нафар 1941 — 1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ҳар бирига манзилли ёрдам кўрсатилиб, 4,3 минг нафардан ортиқ уруш ва меҳнат фахрийларига, жангчи-фахрийлар (байналмилалчилар)га байрам совғалари тақдим этилди. 150 нафар меҳнат фахрийси касба уюшмалари тизимидаги санаторийларда бепул соғломлаштирилди.

Ҳисобот даврида ўтказилган «Касба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида эса «Меҳрибонлик» уйлари ва Болалар шаҳарчасининг қарийб 14 минг нафар тарбияланувчиси, эҳтиёжманд оилалар фарзандлари, иқтидорли ўқувчиларнинг маданий ва истироҳат боғларига, театр ва кўйриқ театрларига таширифи уюштирилди. «Биз — Мустақиллик фарзандларимиз» шиори остида 914 нафар бола тарихий шаҳарлар ва бунёдкорлик иншоотларига саёҳатга олиб борилиб, 1 минг 825 нафар ўғил-қизлар, жисмоний имконияти чекланган болаларга, республикадаги 17 та болалар махсус ёрдамчи мактаб-интернатларига совғалар топширилди.

Спортга эътибор кучайиб бораётгани ҳам, албатта, диққатга сазовор. Корхона, ташкилот ва муассасалар ходимлари ва уларнинг оила аъзолари ўртасида «Соғлом оила» шиори остида ўтказилган 4 босқичли республика оилавий спорт мусобақалари меҳнаткашлар ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириш, уларни спорт-соғломлаштириш тадбирларига кенг жалб этишга хизмат қилаётгани аҳамиятлидир. Мазкур мусобақанинг биринчи босқичида 22,7 мингдан ортиқ корхона ва ташкилотлардаги 100,3 мингдан зиёд оилавий жамоалар иштирок этгани эътиборга сазовор. Яқиний республика финал босқичи эса минтақавий тарзда 4 та ҳудудда — Андижон, Навоий, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида ўтказилди.

Хаваскор велоспортчилар ўртасида апрел-май ойларида 3 босқичда ташкил этилган «Касба-Тур» веломарафонига эса турли ёшдаги хаваскор велоспортчилар — тур-

ли корхоналарда меҳнат қилаётган ходимлар иштирок этдилар.

Тани соғлиқ — туман бойлик. Айти шундан келиб чиққан ҳолда, касба уюшмалари томонидан ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини сифатли соғломлаштириш ишлари тизимли равишда давом эттирилди, болаларни оромгоҳларда мароқли дам олдириш бўйича тайёргарлик ишларига эътибор кучайтирилди. Хусусан, ҳисобот даврида тасарруфдаги санаторийларда 52,7 минг нафарга яқин аҳоли вакиллари соғломлаштирилишига эришилди. Уларнинг 43 фоизи имтиёзли равишда ўз саломатлигини тиклади. Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида «Турон», «Умид гулшани», «Термиз марвариди», «Ситораи Мохи Хоса», «Хавотго гулшани» санаторийлари ва «Аҳмад ал-Фаргоний» дам олиш уйида қурилиш-таъмирлаш, реконструкция ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, жорий йилги ёз мавсумини ушоққоқ билан ўтказишга пухта тайёргарлик кўрилиб, бу борада мутасадди вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда қатор амалий ишлар бажарилди. Айти дамда болаларни оромгоҳларда дам олдириш ва соғломлаштириш мавсуми қизгин давом этмоқда. Жорий йилнинг 30 июн ҳолатига кўра, республика бўйича 1 минг 212 та оромгоҳ фаолияти йўлга қўйилиб, уларда 195,6 минг нафардан ортиқ болажонлар мазмуни хордиқ чиқарди. Ушбу кўрсаткич белгиланган режанинг 67 фоизини ташкил этади.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқ-

ли сўрасида бандликка кўмаклашиш, меҳнат муҳофазаси, меҳнат соҳасида ижтимоий шериклини ривожлантириш каби йўналишлардаги ўзаро алоқаларни қўзда тутувчи Меморандум имзоланди.

Халқаро меҳнат Конференциясининг 105-сессиясида иштирок этиш доирасида ХМТ Бош директори Гай Райдер билан бўлиб ўтган учрашув давомида ХМТ Бош директори Ўзбекистонда ижтимоий-меҳнат муносабатлари ва кучли ижтимоий ҳимоя соҳаларида улкан ижобий натижаларга эришилганлигини қайд этди. Айниқса, бу борада самарали ижтимоий шериклик йўлга қўйилганлиги, ҳукумат, касба уюшмалари ва иш берувчилар ташкилоти ўртасида ижтимоий мулоқотнинг муваффақиятли олиб борилаётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистонда халқаро меҳнат стандартларининг жорий этилишида ижобий натижаларга эришилганлиги боис, бу тажрибанинг бошқа мамлакатлар учун ҳам ўрнатқ бўлишига лойиқ эканлигига урғу берилди.

Касба уюшмалари тизимида жамоатчилик билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш, ахборот ишларини тубдан яхшилаш, тизимда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланишни таъминлаш йўналишларида ҳам тизимли ишлар амалга оширилди.

Шунингдек, мустақиллик йилларида инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, ижобий янгилаш ва бунёдкорлик ишлари, уларнинг самараси ҳамда натижаларини кенг тарғиб

ланган «Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш оромгоҳларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича 2016 йилга мўлжалланган Манзилли дастур» доирасида Касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Сурхон-Бешбулок-Шеробод», «Автомобилчи» оромгоҳлари реконструкция қилинди. Сурхондарё вилоятидаги «Амударё соҳили» спорт-соғломлаштириш мажмуаси негизда 200 ўринли замонавий болалар соғломлаштириш оромгоҳи ва даволаш-профилактика маркази қурилишига қурилди.

Ўзбекистон касба уюшмаларининг халқаро миқёсдаги фаолияти ҳам тобора кенг қўламли касб этиб бормоқда. Жорий йилда Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ), Халқаро касба уюшмалари конфедерацияси ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари тизимли равишда давом эттирилгани бунга яққол мисол бўла олади.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ва Халқаро касба уюшмалари Конфедерацияси ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ҳамкорлик истиқболларини муҳокама этиш, халқаро ҳамжамиятни мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, аҳоли бандлиги ва ходимлар ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасидаги тизимли ишлар билан яқиндан таништириш мақсадида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси делегациясининг Брюссел шаҳрига таширифи амалга оширилди.

30-31 март кунлари эса Халқаро касба уюшмалари Конфедерацияси Бош котиби Шарон Барроу раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистонга ташириф буюрди. Ташириф доирасида делегация аъзолари мамлакатимиздаги қатор корхоналар, шу жумладан, «Тошкент йўловчи вагонлари қуриш ва таъмирлаш заводи» акциядорлик жамияти, Самарқанддаги «Sam anter gilam» МЧЖ, Самарқанд иқтисодий ва сервис институти қошидаги 1-сонли академик лицейда бўлдилар. Шунингдек, Тошкент шаҳри ва Самарқандда касба уюшма фаоллари билан учрашувлар ўтказилди. Мазкур учрашувларда Халқаро касба уюшмалари Конфедерацияси вакиллари Ўзбекистонда давлат, касба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида йўлга қўйилган ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликка юқори баҳо бердилар.

Халқаро меҳнат Конференциясининг Женевада бўлиб ўтган 105-сессияси доирасида Халқаро касба уюшмалари Конфедерацияси (ХКУК) Бош котиби Шарон Барроунинг Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Т.Нарбаева билан учрашуви давомида ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича келгусидаги фаолият йўналишлари муҳокама этилди. Ушбу мақсадда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ва Халқаро касба уюшмалари Конфедерация-

этишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган ва барча соҳаларда амалга оширилаётган тизимли ишларни кенг ёритаётган оммавий ахборот воситалари ходимларини рағбатлантириш мақсадида Федерация Кенгаши томонидан журналистика соҳасида «Инсонга наф келтириш — олий бахт» V республика аънавий танлови ўтказилди.

Тизимда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш борасида Касба КИАТнинг ахборот ресурсларини шакллантириш дастурий таъминотини яратиш ишлари кўнига етказилди ҳамда тест режимида ишга туширилди.

Мажлисида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Федерация Хотин-қизлар кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Кенгаш мажлисида, шунингдек, эришилган ютуқлар билан бир қаторда айрим тармоқ ва ҳудудий касба уюшма ташкилотлари фаолиятидаги камчиликлар атрофлича муҳокама этилиб, аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг навбатдаги ййгилишида фаолиятга оид муҳим масалалар чуқур таҳлил этилди.

Хусусан, Раёсат ййгилишида Ўзбекистон касба уюшмалари томонидан «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ва унинг асосида ишлаб чиқилган Федерация Кенгашининг тадбирлар дастури ижросини таъминлаш бўйича олиб бораётган тизимли ишларга атофлича тўхталиб ўтилди.

Шу билан бирга, 2016 йилги болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумининг бориши тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилиб, ушбу масъулиятли вазифага эътиборни янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Раёсат аъзолари томонидан Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари касба уюшмалари ташкилотларининг фаолиятини комплекс ўрганиш натижалари, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ҳамда Энергетика корхоналарида жамоа шартномалари ва келишувларининг бажарилиши борасида иш берувчилар ва касба уюшмаларининг ҳамкорликдаги ишларини кучайтириш масалалари ҳам таҳлил этилди.

Раёсат ййгилишида муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**  
Ўзбекистон касба уюшмалари  
Федерацияси Кенгаши  
Матбуот хизмати раҳбари,  
Тўлқин ШЕРНАЕВ,  
«Ishonch» муҳбири,  
Икром ҲАСАНОВ  
олган суратлар.



# Аёлга эътибор — жамиятга эътибор

Ў(1).

Хотин-қизларга яратилган имтиёзлар ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш, уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида жойларда ўтказилган семинар-тренингларда миллий ва халқаро меҳнат стандартлари, меҳнат муносабатлари соҳасидаги ижтимоий шериклик, меҳнат қончилиги, жамоа шартномалари орқали хотин-қизларга бериладиган қўшимча имтиёзлар ҳақида иштирокчиларнинг билим ва кўникмалари оширилди. Тренинглар якунида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар муҳокама қилиниб, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларга бериладиган имтиёз ва кафолатлар кўламини янада кенгайтириш, ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш ҳамда бунда иш берувчилар масъулиятини кучайтириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар келишиб олинди. Агротехника мажмуи, Таълим, фан ва маданият, Кимё ва фармацевтика sanoati, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси, Нефть-газ ва геология ходимлари касба уюшмалари Республика кенгашлари, Андижон, Хоразм, Тошкент вилоятларида шундай семинарлар ўтказилди.

Хотин-қизлар кенгаши ва комиссиялари давлат корхоналарида меҳнат қилаётган хотин-қизлар билан бир қаторда нодавлат секторидида фаолият кўрсатаётган ҳамда уш мекхати билан шуғулланаётган (касаначи) хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясига, уларга иш жойларида муносиб меҳнат шартнолари яратилганлигига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Ушбу йўналишлардаги



аҳвол мунтазам ўрганилиб, зарурат бўлганда иш берувчиларга аниқ таклиф ва тавсиялар берилмоқда.

Барча меҳнат жамоаларида «Соғлом она — соғлом бола» мавзусида аёлларни шарафлаш тадбирлари ўтказилди. Хотин-қизларнинг маънавий, сиёсий ва ҳуқуқий билимларини оширишга, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган давра суҳбатлари ўтказилди. Хотин-қизлар кенгаши аъзолари Жаҳон банки томонидан ўтказилаётган «Кам таъминланган қишлоқ аёлларининг иш ҳақи имкониятларини мустаҳкамлаш учун тўсиқлар диагностикаси» лойиҳасида мутахассислардан иборат техник ишчи гуруҳи ишида иштирок этаётганлиги ҳам айни муддао бўляпти. Кези келганда, Кен-

гаш вакиллари Минск шаҳрида ўтказилган аёл етакчиларнинг «Энг яхши келажак учун тенг имкониятлар» мавзусидаги Халқаро Форумида қатнашганлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Йўналишда Касаба уюшмалари Федерациясининг Хотин-қизлар кенгаши томонидан Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларидаги қўшма корхоналарда меҳнат қилаётган, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган аёллар учун яратилган шартнолар ҳамда жамоа шартномалари орқали уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимояси таъминланганлиги аҳоли тўғрисидаги масалар бўйича Федерация Хотин-қизлар кенгаши аъзолари Нигора Нурматова, Раъно Абдалимова, Эътиборхон Раҳмо-

нова ва Муяссар Қодироваларнинг ахборотлари тингланиб, муҳокама этилди. Шунингдек, тадбирда жамоа шартномалари ва келишувлари орқали хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини кучайтириш юзасидан олиб борилаётган ишлар ва уларнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини юритиш, хотин-қизлар учун муносиб меҳнат шартноларини яратиш борасида олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга, уларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқлари муҳофазасига кўмаклашиш, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган, хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат ҳуқуқлари оид Конвенциялари талабларининг меҳнат жамоаларида бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш каби йўналишларда амалга оширилаётган тадбирларнинг мазмун-моҳияти ҳам очиб берилди.

Йўналишда ҳаётимизни янада соғлом ва обод қилиш, соғлом бола тарбиялашда аёллар масъулиятини, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини ошириш имкониятларини кенгайтириш ишларида фаол иштирок этиш, амалдаги қонунларда аёллар учун белгиланган имтиёзлар бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришдаги фаолиятни янада яхшилаш юзасидан таклифлар берилди.

**Амина ҚОДИРОВА,**  
**«Ishonch» мухбири,**  
Иқром ХАСАНОВ  
олган сурат.



## Энг муносиблар сараланди

Ў(1).

«Умумқурилиш ишлари устаси» номинациясининг 1-босқичида эса 272 нафар номзодлар иштирок этиб, уларнинг 56 нафари болиблик мақомига эришиб, ҳудудий босқичда қатнашди. Ҳудудий босқичларда саралаб олинган 14 нафар энг яхши ёш курувчилар ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчилари танловнинг Республика финал босқичига йўлланма олдилар.

Танловнинг иккала йўналишдаги номинациялари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан болиб бўлган 14 нафардан жами 28 нафар ёш курувчилар иштирок этди. Меҳнат муҳофазаси қоридлари билан таништирилган сўнг йўналишларга онд тест саволлари бўйича синов бошланди. Назарий билимлар синовдан ўтказилган, ёш курувчилар устозлардан ўрганган амалий билимларини амалиётга татбиқ қилиб, бор касб мақоратларини ишга солган ҳолда катта иштиёқ билан гишт териб, кафел ёпиштириш жараёнларида ўз малакаларини намойён этдилар.

Танлов иштирокчиларининг назарий билими ҳамда амалий касбий тайёргарлик сифатини 5 кишидан иборат ҳакамлар ҳайъати ҳолисона баҳолаб борди. Бажарилган ишлар тасдиқланган мезонлар асосида баҳолашиб, касблар бўйича болиблар аниқланди. Хусусан, «Қурилиш-пардозлаш ишлари устаси» номинациясида Хоразм вилоятидаги Хонқа қурилиш ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи битирувчиси Руслан Абдиримов 1-ўринни эгаллади. 2-ўрин Самарқанд вилоятидаги Пастдарғон қурилиш технологиялари касб-хунар коллежи битирувчиси Шаҳзода Алиқуллов, 3-ўрин эса Жиззах шаҳар уй-жой коммунал касб-хунар коллежи битирувчиси Миржалол Қўчқоровга насиб этди.

«Умумқурилиш ишлари устаси» номинациясида эса Сурхондарё вилоятидаги Термиз Архитектура ва қурилиш касб-хунар коллежи битирувчиси Ойбек Содиков биринчиликни қўлга киритди. Тошкент архитектура ва қурилиш институти талабаси Рузалия Ибраимова 2-ўрин, Нукус қурилиш касб-хунар коллежи битирувчиси Тимур Генжебаев 3-ўринга муносиб деб топилди.

Фолиб ва совриндорлар касба уюшмаларининг диплом ва савгалари билан тақдирландилар.

«Тикув ва тикув бўумлари ишлаб чиқариш техник-технология», «Сартарошлик ва декоратив косметика устаси» ҳамда «Ошпаз» номинациялари бўйича беллашувлар бүгүн бўлиб ўтди.

**Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати**

### Реклама

ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

Управление благоустройства Хокимията города Навои ОБЪЯВЛЯЕТ

КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

По объекту: «Устройство системы видеонаблюдения и электроснабжения перекрестков г.Навои Навоийской области».

Стартовая стоимость заказчиком составляет без НДС 1 041 615 026 сум, с НДС 1 249 938 031 сум.

Срок окончания работ, установленный заказчиком 90 дней. Заказчик Управление благоустройства Хокимията города Навои.

Расположенный г.Навоий, ул.С.Айни 107.

Финансирование проекта будет осуществляться за счет средств местного бюджета.

(при прочих равных условиях предпочтение отдается субъектам малого бизнеса)

Для выполнения работ требуется соответствующие лицензии. Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсной объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достигаются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов Территориальный консультинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области по адресу г.Навоий, ул.Гавасалия 2А, тел: 22.5.49.96, 22.5.47.98. Стоимость одного комплекта документов 150 000 сум. Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г.Навоий, ул.Гавасалия 2А, тел: 22.5.49.96, 22.5.47.98.

Крайний срок представления оферты организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферты.

Вскрытие оферты состоится по адресу г.Навоий, ул.С.Айни 107, не менее чем через 30 дней после опубликования объявления (дату и время сообщим дополнительно).

Услуги лицензировано.

### Ҳамкорлар фаолиятдан

## Фаровонлик асоси

Фуқаролар бандлиги, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, қўллаб-қувватлаш аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг биринчи шартидир. Президентимизнинг 2016 йил 24 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазири фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосланиб, меҳнат органлари томонидан аҳоли бандлиги даражасини минтакалар кўламини таҳлил қилиш, янги иш ўринларини ташкил этишнинг йиллик дастурлари ишлаб чиқишини мувофиқлаштириш ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш, банд бўлмаган аҳоли қатламини, биринчи навбатда, ёшлар, аёллар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш вазифалари белгилаб олинди.



Жорий йилда Қорақалпоғистонда Дастур бўйича 49863 та янги иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, шундан 40000 иш ўрни аёллар ва ёшлар учун белгиланган. Маълумотларга кўра, йил бошидан шу кунга қадар 17415 та янги иш ўрнида ходимлар фаолият бошлади. 2016 йилнинг ўтган 5 ойи давомида Бандликка кўмаклашиш марказлари 7758 нафар фуқаро иш сўраб мурожаат қилган, улардан 98 фоизининг талаби қаноатлантирилди. Ижтимоий ҳимояга олинган 402 нафар ишсиз меҳнат ҳақи тўланадиган жамоат ишларига, йўл қурилиши, ободонлаштириш, қайта қурилиш, мелиорация тармоғи ва иншоотларни тиклаш каби соҳаларга жалб этилди. Ишсиз деб эътироф этилган 102 нафар ҳамюртимиз меҳнат бозори талабларига биноан, таянч қоллажларида касбга қайта тайёрлаш ва ўқитиш орқали ишга жойлаштирилди.

Ўтган даврда ижтимоий муҳофазага муҳтож 2388 нафар фуқаро корхона ва ташкилотларга ишга жойлаштирилди. Хусусан, 147 та иш ўрни ногиронлар учун квоталанган бўлиб, шу тоифалардаги 987 та шахс Бандликка кўмаклашиш марказлари йўлланмалари билан ишга жойлашди. Нукус тумани ўрмон хўжалиги, ўсимирлар спорт мактаби, Хўжайли тумани «Турон-Хўжайли» ОАЖ, «Ипак йўли» қурилиш ташкилоти, Эллиққалъа туманидаги «Пахта-Арна-Найман» сувдан фойдаланиш уюшмаси, туман тиббиёт бирлашмасидаги квоталанган иш ўринлари шулар жумласидандир.

Шаҳар ва туманлардаги Бандликка кўмаклашиш марказлари, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда мунтазам тарзда бўш иш ўринлари ярмаркалари уюштирилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 39 марта шундай тадбирлар ўтказилди. Ярмаркаларда 1436 та корхона ва ташкилот 3670 та бўш иш ўрни билан қатнашиб, 3543 нафар шахсининг бандлиги таъминланди. Шулардан 1831 нафари ёшлар бўлиб, аксарияти касб-хунар коллежи битирувчиларидир.

**Рустем БЕКИМБЕТОВ,**

Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат вазирилик бош мутахассиси

### Орамиздаги одамлар

## «Боғларим — менинг ҳаётим»

Абдумалик Хаитов Тошкент вилоятидаги таниқли тадбиркорлардан. «Хўжакент — Фани — Абдумалик» фермер хўжалигини ташкил этганига ўн йил бўлди. 105 гектар ери бор. Ота-боболари тоғ ён бағирларида боғдорчилик деҳқончилиги билан шуғулланиб келган. Хуллас, ерга уруғ сочиб, ризқ-рўз яратиш Абдумалик аканинг қонида бор. Лекин, шунга қарамай, зироатчилик билан астойдил шуғулланишни ҳаёлига ҳам келтирмаганди. Болалиқдан ўқитувчиларга иштиёқи билан эди. Отаси каби муаллим бўлишни хоҳларди. Шу боис мактабни битирган, олий ўқув юртида ўқиб, Фазалкентдаги мактабда ишлаб бошладди.

Касбини яхши кўргани боис тез орада болаларнинг севимли ўқитувчиларидан бирига айланди. Аммо кўп қаватли уйда яшашига сира кўнкулмади. Болалиги кенгликларда ўтгани сабаб бир парча бўлса-да боғи бўлишини орзу қиларди. Охири, сабри чидамай «дом»дан четрқоқдаги қаровсиз ерни тозалаб, мевали дарахтлар экти. Меҳр билан парвариш қила бошлаганида кутилмаганда «эгаси» чиқиб қолди. Шу баҳона бўлди-ю, туғилиб ўсган қишлоғига қайтишга аҳд қилди.

Бўстонлик азалдан соф ҳавоси-ю жаннатмонанд боғлари билан доврқ қозонган. Одамлари ҳам очик кўнгил, бағри кенг инсонлар. Абдумалик аканинг шаҳарчага сиймай қолгани боиси ҳам шунда.

У киши билан боғдорчиликка бағишланган ўқув-семинарда танишиб

қолгандим. Маърузалардан бири хандон писта хусусида бўлиб, Абдумалик акани жуда қизиқтириб қолганди ушунда:

— Писта, бодом учун бизнинг Хўжакентдан яхши жой бўлмаса керак. Улар қадимдан экиб келинадилар, бироқ соҳага ихтисослашган хўжаликлар йўқ. Энг муҳими, дастлабки йиллари сув талаб этилмайди. Кейинчалик ҳам бир-икки марта сугорилади, холос.

Яқинда Абдумалик ака билан яна бир йилнинг даврида қолдик.

— Бўстонликка бир бормайсизми? 6 гектар ерда пистадан боғ яратдик. Равон йўлда елдек учиб бораётган машина ойнасидан атрофини кўзатаман. Кенгликларда елаётган шаббодда оҳиста тебранаётган мевали дарахтлар аллақачон гуллаб, табият тароватига ўзгача хусн бағиш-

лар, қирликларда кўз очган майса-ю чечаклар ҳиди димоққа уриларди. Қўй-қўзилар ўтлаб юрган яяловлар, қирлар-у сойлардан ўтиб, сўлим тўша — Хўжакент қишлоғига етиб келдик.

Бизни кўтиб олган фермер саломалиқдан сўнг янги боғи сари бошладди. Йўл-йўлакай деҳқончиликку боғбонлик боболаридан мерос экани ҳақида тўқиниланиб сўзладим.

— Раҳматли бобомнинг зироатчиликка ҳаваси билан эди. Хўлимиздаги дўппидек ерга мевали дарахтлар, ранг-баранг гуллар ва кўкатлар экиб, муъжазгина боғ яратган бобомнинг қўлидан доим қайчи-ю кетмон тушмасди. Гоҳо ариқларни ёввойий ўтлардан тозалар, гоҳ дарахтларга шакл берар, бўш ўтирганини кам кўрганман. Отам ҳам ўқитувчи эканига қарамай, мудом ер билан тиллашган. У етиштирган қовунларнинг таъмини одамлар ҳали-ҳануз гапириб юришди.

Гап билан бўлиб, анча юқорилаб кетганимизни сезмай қолибмиз. Денгиз сатҳидан 1150 метр баландиликда 6 гектар лалми майдонда барпо этилган хандон писта боғига ҳам етиб келдик. Аллақачон гуллаган бодом, олхўри, олча, дўлана дарахтлари хайратланарли бир кўринишда эди. Парвариш қилинаётган ёш

кўчатлар қуёш нури ва тоғ ҳавосидан қувват олиб, ҳадемай сархил мевалари гиж-гиж бир боғга айланганини ҳис қилдик.

— Қўриб турганингиз хандон писта дарахти 1000-1500 йил яшайди. Илдизи яхши ривожланган, шўрга ва қурғоқчиликка чидамли, — дейди Абдумалик ака. — Воёга етганда 1-2 марта сув ича сифоя қилади. 8-12 йилда ҳосилга қиради. Агар юқори ҳосилли навлар пайвандланса, ҳосил туғиш мuddати икки бараварга қисқариши мумкин. Дастлабки эканчим — 1400 туп кўчатни Фаллаоролдаги маданийлаштирилган писта плантациясидан қуртаклар олиб келиб, пайвандлаш ниятидаман. Шундай қилинса, ҳар бир дарахтдан 6-8 килограмма ҳосил ола бўлади.

Фермернинг айтишича, юқори таъм сифатига эга бўлгани туфайли писта жаҳон бозорида ёнгоқ ва бодомга нисбатан 3-4 марта юқори баҳоланар экан. Қайта ишловлардан сўнг ундан қандолчатчиқ sanoati-да, қолбасаларнинг олий навлари, шунингдек, парҳез таомларга ҳам ишлатиларкан. Урта ер денгизи ҳавасидаги мамлакатларда «олтин дарахт» дея улуғлашар эмши.

Абдумалик ака бир томондан Бурчмулла ўрмон хўжалиги, иккинчи томон-

дан Чимён тизмаларига туташиб кетган ерларда хандон пистадан ташқари узум, олча, олхўри ҳам парвариш қилаётгани, келгусида эса бодом ва ёнгоқ етиштирилиши кўзда тутилаётгани ҳақида тўлиб-тошиб гапирди.

Сўзимиз аввалида таъкидланганидек, Абдумалик ака раҳбарлик қилаётган хўжаликни Тошкент вилоятида кўнчилик билади. Дастлабки иш бошлаганида бор-йўғи етти ярим гектар сугориладиган майдонга галла, сабзавот эканди. Дастлабки йиллари оғизга тушадиган бирон бир натижага эриша олмагани ҳам рост.

Айни пайтда «Хўжакент — Фани — Абдумалик» кўп тармоқли фермер хўжалигига қарашли 105 гектар майдонда мевали боғдан ташқари галла, картошка, пийёз, сабзи, маҳзар, нўхат етиштирилмоқда. 2 та трактор эрта баҳордан кеч қузгача тиним билмайди. Катта ўғли Хуршид агроном. Унинг билими, тажрибаси ва маҳорати ҳар бир ишда қўл келлади. Кичик ўғил Бахтиёр эса бошқарувчи. Далада ҳаммага бош-қош.

Абдумалик ака далалар, боғларга меҳр билан боқаркан, дилдаги гаплари беихтиёр тилига кўчади:

— Фермерлик мени элу юртга танитди. Меҳнатдан кўнгил хотиржамлиги, завқ-роҳат топдим. Боғларим — менинг ҳаётим. Улардан қувват оламан.

Ўзидан гўзал ёстонлар қолдириш — яхшиларнинг азалий одати. Яхшиликка ёндашганлар ҳаммиса эъзоз топади. Бўстонликдан яна шундай таассуротлар билан қайтдик.

**Рисолат МАДИЕВА,**  
журналист

Соғломлаштириш



## «Ниҳол»даги ниҳоллар

«Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖ тасарруфидаги «Ниҳол» оромгоҳида дам олган ҳар бир бола бу ерда ўтказилаётган кўплаб тадбирлар орқали ўз маҳоратини синовдан ўтказиш имконига эга.

Биз «Ниҳол»га борган кунимиз у ерда «Балли, йигитлар» танлови ўтаётган экан. Етти-саккиз азамат бир нечта шартларга кўра беллашди. Болалар астойдил ҳозирлик кўргани учунми, голибни аниқлашда бироз қийинчилик туғилди. Яқунда бешинчи гуруҳ вақили Асилбек Суннатуллаев голиб деб топилди.

кил этилганди. Кеча «Шерият бўстонидан гулдаста» мушоираси ўтди, — деди оромгоҳ бош етакчиси Соҳида Худойбердиева. — «Рақслар гулдастаси» тадбирида Зарнигор Зиёдуллаева барча шартларни аъло даражада бажариб, голибликка эришди. Энди навбат «Балли, кизлар» танловига...

1500 та китоб фондига эга кутубхонага кирган одамнинг қиққиси келмайди. Компютер сабоқлари, би-



чиш-тиқиш ва турли спорт турғараклари эса ўғил-қизларнинг хунар ўрганиши, билим ва кўникмаларини

бойтишида ўз улушини қўша-ётир.

Оромгоҳ бошлиғи Абдураззоқ Исоқов санъатсевар инсон. Шунинг учун бўлса керак, бу ерда таниқли санъаткорлар билан тез-тез учрашувлар ташкил этиб бориляпти. Болажонларнинг ёши ва онгига мос қизиқарли бадиий филмлар намойиши ҳам эътиборга лойиқ. Диний экстремизмга қарши кураш ҳақидаги суҳбатларда ёшлар турли сахна зўро фирқлари, турли сахна кўрсаткичи билан мавзу доирасида ўз муносабатини аниқ-равшан билдиришмоқда.

Жорий йилдан ўз фаолиятини бошлаган «Ниҳол» радиоси орқали эса ҳар кунги янгиликлар, кўрик-танловлар ва спорт мусобақалари тафсилотлари эълон қилиб бориляпти.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Қатра

Онамнинг онаси Сопоргул момом 2001 йили 106 ёшида бандаликни бажо келтирди. Бувим яшаган қишлоққа йўлим тушса, болалик йилларим, ўртоқларим билан кўча чагитиб то кечгача копток кетидан кулаб юрганларим эсга тушади. «Қайрангиляб»да чўмилиб, балиқ тутишни хуш кўрардим. Ушлаган чавағимни олиб, уйга ё қўшни қишлоқдаги момомниқига йўл олардим.

## Болаликдан қолган хотира

Найман овули билан Сўкберган қишлоғи ораллигини иккига бўлиб турган «Қайрангиляб» доимо тўлиб-тошиб оқар, икки қишлоқ аҳолиси куни билан қурилган ёгон кўпригини тез-тез сув оқизиб кетса-да, одамлар уни қайта қуришдан чарчамасди.

Баҳор келиб, кунлар илйи бошлагач, момомнинг қишлоғига боргим келарди. Ушанда омонат қурилган кўприкдан бир амаллаб ўтишга тўғри келар, асовибдан ўтган, дўплимни босиб кийиб, момомнинг ҳовлисига борадиган чекка сўқмоқни қидириб қолардим. Қишлоқда бир ёт ақил-ласа, беш-олиттаси жамлашар, катароқ бир одам чиқиб ёнингини олмас, ҳолинга вой эди. Катталардан, «итдан қўрққан одамнинг бошидан ҳавр чиқиб турармиш», деган гапни эшитганим бор. Бошимга телпак ёки бобомнинг чўғирмасини кийиб олсам-да итлар билан «чиқишолмас» лигимга кўзим етарди.

Қишлоқ одамларининг бир-бирига оқибатлигини эсласам, ҳавасим келарди. Ушанда эрталаб момом соғиб оладиган тўртта сигирнинг сунга кесақ печ устига жойлаштирилган катта қозон лиммо-лим тўларди. Сут пишгач, ён қўшни Қолбозар она-ниқига чопардим. У пайтлари овулардаги тиббий ёрдам пунктлари ҳозиргидек ривожланмаган ва моддий базаси ҳам ўзига яраша бўлган. Аёлларни дард тутиб қолгудек бўлса, кексароқ онахон истикомат қиладиган ҳовлиннинг эшиги ё деразаси тақиллатиларди. Бу қишлоқда момом доялик қилмаган аёл топилмасе керак деб ўйлардим. Сабаби, кўзи ёриётган жувонларниқига кечасими, кундузими ўзи билан бирга мени ҳам олиб кетарди. Жажжи болаларнинг киндигини кесар, энди дунёга келган чақалоқларни биринчи бўлиб момом бағрига босарди. Шу туйғайли ҳам Қолбозар онаниқидида учта киндикболасининг ризқини бериб юборар, қўшнилاردан ортан сут, сирланган идиш ёки кўзага солиниб,

қатиқ тайёрларди. Бўшаган қозон атрофида бўлаларим (ҳолавачча) билан айланшиб, ширин қирмиқ ичин-жида қошиқ талашганларим эсимда. Сўкберган қишлоғида отамнинг қариндошларидан Отажон бобом ҳам яшарди. Деҳқончиликнинг сирларини хўп билар, полиз маҳсулотларини эрта етиштирар, савдосини ҳам чақон қиларди. Айтишларича, бобом Хўжайли бозорига биринчи бўлиб помидор чикаргани учун «Отажон помидор» лақабини орттириб олган... Пишқичлик пайти сал нарида яшайдиган «Помидор» бобом эшагини миниб чикар, битта хандалакни менга тутқазарди.

— Биринчисини Жумабойга бердим, иккинчисини сенга... Отажон бобом қаттиқ кулиб, «бўйининга ўчоқ тушур», деганида Хўжамурод поччам куриб қўйган кесақ печ кўз олдимга келарди. Уни кўтаролмаслигимдан ваҳимага тушардим, кўрқиб йиғлаб юборардим.

Ушанда Сопоргул момом жонимга ора кирар:

— Бобоси, ҳали болам ёш, энди мактабга чиқди, кесақ печни кўтаролмайди, уйланишига анча бор, — дерди ва мийғида кулиб кўз ёшимни артиб кўярди.

Отажон бобом хандалак баҳонасида, яқинлари, фарзандларига меҳр улашиб, қариндошлик ришталари узвийлигини таъминлашга интилиб, яхши ниятда тилак билдирганини, оилали, рўзгорли, бола-чақали бўлиб кетишимни истаётганини тушунмасдим. Мана, бўйинимга «ўчоқ» тушиб, оилали, бола-чақали бўлганимда уларни эсга олайман ва соғинаялман ҳам...

Бугун боболарим, момоларим яшаётган ерда обод қишлоқ ва овулар буй тиклаган. Томи ёпилмаган пастдақина уйлар ўрнида замонавий турар жойлар бунёд этилган. Менда эса ўша замоналардан шундай хотиралар қолган...

Ортиқ МУҲАММАД ҚАРИМ

Мушоҳада

## Китоб — маънавият бешиги

Китоб ўқишдан тўхтаган одам — фикрлашдан тўхтайдди. Фикрлашдан тўхтаган одам Ватанга наф келтирмайдди.

Юртбошимиз Ислоҳ Каримовнинг «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» рисоласида шундай дейилади: «Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёзувчининг башариятнинг эртанги кунини ўйлаб, одамларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Яъни, ёзувчи «Эй, одам-до, кўзингни оч, сен нима учун яшайсан, инсон деган юксак номга муносиб бўлиш учун нима қилсан?» деган саволларни китобхон олдида, жамият олдида қатъий қилиб қўя олсагина, ўйламанки, ўзининг инсоний ва ижодий бурчини бажарган бўлади». Дарҳақиқат, китоб инсониятни эзгуликка, яхшиликка етакловчи, чексиз билимлар уммонидида сир-синоатларни очувчи тилсим, маънавиятнинг тенгсиз мўъжизаси ҳамдир.

Фарзанд маънавиятини юксалтириш, унда эзгу фазилатларни камол топтириш учун қайғуроқ ҳар бир ота-онанинг юксак мақсадига айланмоғи лозим. Бу йўлда китоб энг яқин кўмакчи вазифасини бажаради. Чунки ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжини қондиришда китобнинг ўрни беқиёс.

Бугунги кунда жамиятимиз аъзолари, айниқса, ёшларнинг китобга қизиқишини кучайтириш мақсадида пойтахтимизнинг барча туманларида «Китоб марафони», «Фарзандимга китоб совға қиламан», «Камолот кутубхонаси», «Бир болага 5 китоб» тадбирлари ташкил этилмоқда.

— Китоб — бойлик, жавонда сақлангани эмас, ўқиб-ўрганилгани, — дейди «Китоблар тилсимини» хусусий корхонаси директори Б.Ҳақназаров. — Яшнубод туманида жойлашган мактабгача

таълим муассасаларида ўтказилган китоблар кўргазмаси шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда болаларнинг китоб ўқишга, ундаги суратларни идрок этишга бўлган қизиқиши кучайиб бормоқда. Жажживойлар бирор-бир асарни қўлига олар экан, унга сеҳрли нарсаси қарагандай қарайди. Ўзи ҳали харф танимаса ҳам, катталар тақлидан китоб варақлайди, онасига уни ўқиб беришини сўраб хархаша қилади.

— Мактабгача таълим муассасаларида болаларда китоб бўлган муносабатни тўғри шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда, — дея суҳбатга қўшилди 370-«Кўёшча» номи МТМ мудири Д.Абидова. — Уларга китоб саҳифаларини гижимламаслик, унга чизмаслик ўргатилади. Кўргазма ва янги асар тақдимотлари бу борада олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини оширмоқда. Ушбу тадбирлар нафақат богча тарбияланувчилари, балки уларнинг ота-оналари ҳам китобга бўлган қизиқишини кучайтиришга, унга бўлган муносабатини ўзгартиришга сабаб бўлаётди. Болалар учун нашр этилаётган китоблар ўзининг ранг-баранглиги, чиройли муқоваси ва саҳифаларининг сифати юқорилиги, нархларининг ҳамёнболлиги билан ота-оналар ва болаларнинг эътиборини тортмоқда.

Дарҳақиқат, китоб инсонларнинг юксак чўққиларни эгаллашига кўмак берадиган мўъжизавий кучдир. Унга ҳамроҳ бўлганлар фақат ва фақат одамийлик сабоқларини ўрганади. Шундай экан, фарзандларимиз қалбига китоб ўқишга бўлган иштиёқини болалик давриданоқ сингдирга бошласак, эртага унинг маънавияти етук инсон бўлишига шубҳа қолмайди.

Муқаддас РАЗЗОҚОВА, «Ishonch» мухбири



## Коинотнинг янги харитаси

Астрофизиклар халқаро жамияти коинотнинг бугунги кундаги энг йирик ва тўлиқ ўлчамли харитасини яратди. Тадқиқот ҳақида Макс Планк Жамиятининг Физика институти (Германия) маълумотига таяниб, lenta.ru нашри хабар бермоқда.



Янги харита 1,2 миллион галактикани ўзида бирлаштирган бўлиб, у 2-7 млрд. йил аввалги юлдузлар тизими эволюциясини кузатиш имконини беради. Харита фазонинг тахминан чорак қисмини қамраб олган. Унинг ёрдамида коинот энергияси ва қоронғу материянинг бугунги кундаги энг аниқ ўлчами олинди.

Олимлар харитани тузиш учун BOSS (Baryon Oscillation Spectroscopic Survey) дастуридан фойдаланишди. У Катта портлашдан кейин 400 миллион йил ўтиб, коинотнинг кенгайиш темпларини барийон акустик тебикнинг ёрдамида аниқлашга имкон яратди.

Олинган маълумотлар коинотнинг стандарт модели билан тўлиқ мувофиқлаштирилган.

## Фикр билан улов бошқаринг

Ҳушдаи компанияси фикр кучи билан бошқариш мумкин бўлган i20 хэтчбегини яратди. Тажриба Driven By Optimism компаниясининг бир қисми ҳисобланади. Бу ҳақда hi-tech.mail.ru хабар қилмоқда.

Тажрибада мияни «ўқиб», уни оддий буйруқларга айлантира оладиган махсус гарнитурдан фойдаланилган. Сўнгра буйруқлар актуаторларни бошқарадиган компютерга юборилади. Ижобий фикрлар акселераторни, чалғиган, нейтрал фикрлар тормозни фаолаштирган. Рулни орқа ўрдинда ўтирган муҳандис бошқаргани айтилмоқда.



Улов синовларида эшак эшиш бўйича Atlantic Endeavour жамоаси аъзолари ҳамда қўриш қобилиятини йўқотган ва 15 йилдан бери автомобил ҳайдамаган Марк Элкок ва персонал ўсиш бўйича инструктор Анна Рей иштирок этди.

Авалроқ автомобилни фикр кучи билан бошқариш бўйича тажрибаларни АКШнинг Touch Titans компанияси амалга оширган. 2011 йилда эса Nissan компанияси бундай тизимни Лозанна олий Федерал политехника мактаби билан биргаликда ишлаб чиққанини эълон қилганди.

## Тирноқ — тўлов воситаси

Лондонлик талаба Лоси Дэвис жамоат транспортларида йўл ҳақини тўлашга имкон беришчи ясама тирноқ тўпلامини яратди. Лоси тирноқларидан бирига турникетдан ўта олишга мўлжалланган чипни жойлаштирди.



Дэвис Марказий санъат ва дизайн коллежининг заргарлик соҳасида бакалавр босқичида тахсил олмоқда. Тирноқлар худди оддий электрон йўл чиптаси ёки тангаси каби ишлайди. Бармоқлар турникетдаги валидаторга қўйилса, ўтиб кетиш мумкин.

— Мен Oyster Card (Лондонда жамоатчилик транспортларида юриш учун қўлланиладиган электрон йўл картаси)дан RFID-чипни олдим ва уни ясама тирноқларимдан бирига ёпиштирдим. Маэкур йўл чип-тун дунё бўйлаб омаллашувчи ихтиро бўлишини истаймэн, — дейди Лоси Дэвис.

The Independentнинг хабар беришича, Дэвис Лондон жамоат транспортини бошқариш корпорация вакиллари билан ҳам боғланди. Тез орада, Буюк Британия аёллари нафақат метрода, балки барча транспорт воситаларида тирноқлари билан йўл ҳақини тўлаш имконига эга бўлиши мумкин.

## Антиқа қулоқчин

Necksound аудиотизимида янги қулоқчин ихтиро қилинди. Янгиликнинг ажотвोरлиги шундаки, энди қулоқлар бўш туради, аммо музика садоси қулоқларда янграйверади.

Қулоқчин худди тақинчоқ сингари бўйинда осилиб туради ва ҳаракат эркинлигини таъминлайди. Бу тонгда югурувчилар ва велоспорт билан шуғулланувчилар учун жуда қулай.




Necksound нафақат сифатли музика эшитиш имконини, балки телефон қўнғироқларига жавоб бериш қулайлигини ҳам тақдим этади. Бундан ташқари, тизимда 4 ГБ хотира бўлиб, Necksoundдан 1000 га яқин қўшиқ юклаб олиш мумкин. Асосийси, қурилма ҳаракатга халал берадими, Чунки у жудаман енгил.

Necksound ушбу қулоқчининг соғлом турмуш тарзини сеувчилар учун махсус ишлаб чиқарган. Компаниядагиликнинг фикрича, югурувчилар, велосипедда учувчилар, қояларга кўтариувчилар мана шу қулоқчинлардан фойдаланса, ҳаракат эркинлигини таъминлаган бўлади.

Интернет материаллари асосида А.АРСЛОНОВ тайёрлади.

МУАССИС:



2007-йил 11-январда O'zbekiston Mathbot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Бoш муҳаррир:

Jaҳoғиb Шарoфoвeв

Таҳрир ҳай'ати:

Abdulaziz Abdullayev, To'iqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

BO'LIMLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63  
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43  
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chas, 24-uy  
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftoning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soltuvda erkin narxda.

ishonchdaxan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri to'liq ravjda nazaridan qaralgani mumkin.

HUUDULARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32  
Andijon — (+998-91) 475-23-60  
Buxoro — (+998-93) 653-50-81  
Jizzax — (+998-91) 943-67-44  
Namangan — (+998-90) 260-50-77  
Navoiy — (+998-93) 313-86-87  
Samarqand — (+998-97) 915-50-87  
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55  
Surxondaryo — (+998-90) 910-54-05  
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70  
Xorazm — (+998-90) 719-48-00  
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:

U.Ibodinov  
Navbatchi: S.Abdurahmonov  
Musahhih: S.Shodiyeva  
Sahifalovchi: H.Abdujolilov

Boshiga topshirish vaqti — 21:50  
Topshirildi — 00:10

1 2 3 4 5 8

«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.

Korxonani: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta «Ishonchning» kompyuter markazida terildi va sahifalandi.  
Gazeta ofset usulida, A2 formatida bosildi. Hojmi 2 bosma taboq. Buyurtma T — 715.  
13951 rusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi: 133

Taxiriyyat xisob raqami: 2021 0000 0004 3052 7001, ATB «Innoteka Bank» Yashnubod filiali, Bank kod: 00999, STIP: 201133889, OKNCH: 87100